



1 февралдан
нималар
ўзгармоқда?



Аҳоли ташаббусли лойиҳа қиймати-нинг 50 фоизини молиялаштиришда ишти-рок этган тақдирда, қолган қисми рес-публика бюджети ҳисобидан қопланади. Бундай лойиҳалар автоматик равишда го-либ деб топилади.

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ва Камбағал оилалар реестри негизда Ягона ижтимоий реестр иш бошлайди. У «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот ти-зимда ижтимоий қўллаб-қувватланади-ган оилаларни (шахсларни) аниқлаш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳолини баҳолаш учун юритилади.

50 йилдан ошган транспорт восита-ларидан фойдаланиш ва уларни қайта рўйхатдан ўтказиш тақиқланади, бундай транспорт воситалари давлат реестридан чиқарилади.



Хорижлик фуқароларга илгари сотиб олган товарлар учун Ўзбекистон ҳудудидан чиқиб кетаётганда тўланган ҚҚС сумма-сини қайтариш уларнинг хоҳишига кўра, нақд пул шаклида амалга оширилиши мумкин.

Жисмоний шахсларга ID-картини даст-лабки расмийлаштиришда унинг чипига киритиладиган ЭРИ сертификатини бе-риш бепул амалга оширилади.

«А» ва «Б» тоифали ҳайдовчилик гувоҳ-номасини олиш учун талабгорлар ҳайдов-чиларни мажбурий тайёрлаш дастурининг назарий қисmini мустақил равишда ўрганишлари мумкин бўлади.



Камбағал оилалар реестрига киритил-ган оилалардаги касбий ва олий таълим ташкилотлари ўқувчи-талабаларининг контракт суммаси 50 фоизгача қисми тўлаб берилади.

Бунда тўловлар тузилган ижтимоий шартнома шартларини бажариш даражаси-дан келиб чиқиб тўланади ҳамда ёрдамнинг умумий миқдори 1 ўқув йили учун БХМнинг 50 бараваридан ошмаслиги лозим.



«Китоб – маърифат манбаи» дастури бошланади. Давлат органларининг ки-тоб ва китобхонлик ҳақидаги реклама-лари ижтимоий ахборот (реклама) сифа-тида тан олинади. Транспортларда (авто-бус, метро, самолёт, поездлар) симсиз ёки мобил интернет тармоғи орқали Mutolaa платформасидан фойдаланиш имконият-лари яратилади, қулайлик учун QR кодлар ўрнатилади. Умумтаълим муассасаларида «Жадидлар изидан» китобхонлик клублари ташкил этилади.

Камбағал оилалар реестрига кири-тилган оилалардаги ёшлар учун сафар-барлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматни бепул ўташ тартиби жорий этилади.

Ушбу мақсад учун субсидия ажратиш тартиби бекор қилинади. Бунда ҳарбий хизмат билан боғлиқ харажатлар Мудо-фаа вазирлигининг «Сафарбарлик чақи-руви резерви маблағлари» махсус ҳисоб-варағидан амалга оширилади. Шунинг-дек, ҳарбий хизматни ўтаб келган ёшлар бандлигини таъминлаш чоралари кўри-лади.

Ishonch

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA
BIRLASHAYLIK!

2026-yil,
3-fevral,
seshanba
№16
(5236)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

АЁЛЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА ЯНГИ ҚАДАМ

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси ва Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик бўйича меморандум имзоланди

Президентимиз ўтган йили 17 октябрда касабаси уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан бўлиб ўтган учрашувда хотин-қиз-ларнинг фаол ижтимоий қатлам бўлиб шаклланишида «Касабаси уюшмалари – аёллар манфаати йўлида» деган шиор асосида янги тизимни йўлга қўйиш таклифини илгари сурган эди. Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси шу мақсадда янги қадамлар ташляпти. Хусусан, куни кеча ўтказилган йиғилишда бу борадаги фаолият мезони бўладиган муҳим ҳужжат қабул қилинди. Мажлисда Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон маҳаллалари уюш-маси, Республика Маънавият ва маърифат маркази масъул-лари, касабаси уюшмалари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, видеоконференция орқали ҳудудий тармоқлар ва маҳаллалар уюшмасининг туман ва шаҳар бўлимлари вакиллари иштирок этишди.

>>> 2



Миллатнинг НОДИР ЖАВОҲИРЛАРИ!

Ҳамюртимиз халқаро гросс-мейстер Нодирбек Абдусатторов шахмат оламидаги энг нуфузли мусобақалардан бири – Tata Steel Chess 2026 турнирида чемпион бўлиб, тарихий ғалабани қўлга киритди. Голландия-нинг Вейк-ан-Зее шаҳрида бўлиб ўтган ва дунёнинг манаман деган 14 нафар шахматчиси иштирок этган мазкур турнирда Нодирбек 13 имкониятдан 9 очко жамғариб, мусобақа та-рихида ўзига хос рекорд нати-жани қайд этди.



Гап шундаки, ушбу нуфузли турнирда тегишли маълумот-лар билан танишиш жараё-нида қизиқ бир ҳолатни «кашф эт-дим». Яъни аввалги мусобақаларда шохсупага кўтарилиш учун 8,5 очко етарли бўлган. Мана, мусобақада илк бор қатнашган ўзимизнинг яна бир қорақўзимиз – ўзбек ўғлини Жаҳоҳир Синдоров биринчи ури-нишдаёқ 8,5 очко тўплаб, турнирда 2-ўринни эгаллади. Агар у шу нати-жага олдинги мусобақаларда эриш-ганида борми, гап-сўзсиз ғолиб бўларди. Лекин бу сафар Нодирбек марра чизигини янгилаб, «чўзиб қўйди-да». Барака топ, баракалла, Нодирбек!

Айтганча, яна бир қизиқ маълумот: Жаҳоҳир Синдоров мусобақада

бирорта ҳам мағлубиятга учрама-ган ягона шахматчи бўлди – 9 та ду-ранг, 4 та ғалаба. Ҳамюртимиз бу кўрсаткич билан Tata Steel Chess та-рихида нидерландиялик Аниш Ги-ридан сўнг (у 2023 йил мусобақа ғо-либ бўлган) турнир давомида эн-гилмаган иккинчи шахматчи бўлди ва ўзига янгилик яратди. Э, яша-вор, қойил, Жаҳоҳир!

Шуни алоҳида таъкидлаш жо-изки, Нодирбек Абдусатторов ав-валги йилларда ҳам чемпионликка жуда яқин келган эди: 2023 йил 2-ўрин, 2024 йил 3-ўрин, 2025 йил 3-ўрин.

Ва ниҳоят, бу йил чемпион бўлди! Биз Нодирбек Абдусатторовни ушбу улкан муваффақият билан табриклаймиз!

Нуфузли мусобақанинг якуний жадвалига қараб, юрак хап-риқиб кетади: биринчи ва иккинчи ўрин-ларда ўзбек ўғлонларининг исм-ша-рифи қайд этилган ва шунга мос ра-вишда Ўзбекистон байроғи бошқа давлатлар байроғидан энг тепада турибди! Ҳақиқатан ҳам, чиройли ва ҳаяжонли манзара!

Нима ҳам дердик, кўзни қувната-диган, қалбда гурур ҳиссини уйғота-диган зафарлар давоми бўлаверсин!

Раҳмат, сизга йигитлар! Милла-тимиз сизлар билан фахрланади!

Дунё шахмати, қара, кузат, қо-йилмисан, ўзбеклар келяпти!

Алижон АБДУРАҲМОНОВ
«ISHONCH»

Миннатдорлик

Республика тез тиббий ёрдам марказининг Сирдарё вило-яти филиалида навбатчи ши-фокор бўлиб ишладим. 2025 йил меҳнат таътилига чиқ-дим. Аммо иш берувчи таътил пулини ўз вақтида тўлаб бер-мади.

ЯХШИЛАР МУДОМ БОР БЎЛСИН!

Шундан сўнг Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Сирдарё вилояти кенгашига мурожаат қилиб, таътил пули ҳамда кечиктирилган кунлар учун компенсация ундиришда амалий ёрдам сўрадим.

Шикоятимни меҳнат ҳуқуқ инспектори Абдурахим Албе-ков ўрганиб, устама пулини ундириш юзасидан фуқаро-лик ишлари бўйича Гули-стон туманлараро судига даъ-во-ариза киритди. Суд иш бе-рувчидан менинг фойдамга 5 миллион 994 минг 712 сўм таътил пули, 40 миллион 536 минг 243 сўм компенсация пули ундириш тўғрисида қа-рор чиқарди.

27 январь куни Республика тез тиббий ёрдам маркази-нинг вилоят филиали белги-ланган пулларни тўлаб берди.

Шу ўринда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Феде-рацияси раиси Қудратилла Рафиқовга ҳамда Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Республика кен-гаши раиси Фарҳод Ханания-ева алоҳида миннатдорлик билдираман. Сизлардек жон-қуяр раҳбарлар бор экан, биз, ходимларнинг юки ҳеч қачон ерда қолмайди.

Достонбек ЖАВҲАНОВ

ЮКСАК ИШОНЧ

Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясининг икки нафар талабаси фахрий ёшлар сафида



Нигора
МАҚСУДОВА

Ҳар йили анъанавий тарзда бериладиган Президент ва бир қатор буюқ аждодларимиз номи билан аталган давлат стипендиялари ғолиблари рўйхати эълон қилинди. Қувончлиси, 101 нафар бакалавр йўналишидаги Президент стипендиатлари орасида 2022 йилдан фао-лиятини бошлаган Ўзе-кистон касабаси уюшмалари Федерацияси қошидаги Меҳнат ва ижтимоий му-

носабатлар академияси та-лабаси – Мақсудова Нигора Абдулла қизи ҳам бор. Ни-гора меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги (тар-моқлар бўйича) йўнали-шида ушбу юксак танлов ғо-либи сифатида тан олинди. Бу бир жиҳатдан ёшлари-мизга, қолаверса, меҳнат муҳофазаси соҳасига берил-ган эътибор ва ишончнинг ёрқин кўринишидир. Яна бир талаба – Бозорова Сарвиноз Санжар қизи эса

Ислом Каримов номидаги стипендиянинг юриспу-денция (фаолият турлари бўйича) йўналишида тан-ланган ёшлар сафидан ўрин олди. Барча ёшлар қаторида Меҳнат ва ижтимоий муно-сабатлар академиясининг ушбу икки иқтидорли тала-басини ҳам давлатимизнинг юксак ишончи билан мубо-ракбод этамиз!

Ўз мухбиримиз



Сарвиноз
БОЗОРОВА



АЁЛЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА ЯНГИ ҚАДАМ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик бўйича меморандум имзоланди

ДАСТУРИЛАМАЛ БЎЛАДИ

Муҳаммаджон НИШОНОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Анджон вилояти бошқармаси бошлиғи:

– Мазкур ҳамкорлик меморандуми хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди. Галдаги вазифаларимизни шу асосда давом эттирамиз.

Утган йили вилоятда «Аёллар дафтари»га қиратишган 82 минг нафарга яқин хотин-қизларга 57 миллиард сўмлик асосий ва қўшимча ёрдамлар кўрсатилди. Шунингдек, 7130 нафарига ва уларнинг фарзандларига тиббий, 11 323 нафарига ҳуқуқий ва психологик ёрдамлар кўрсатилди. Касаба уюшмаси томонидан 3 мингга яқин хотин-қиз саёҳатга юборилди. Юртимизнинг сўлим гўшаларида дам олишди.

Касаба уюшмалари қўмағи билан 4 минг нафардан ортиқ кам даромадли аёлларнинг уйлари таъмирлаб берилди, машиш техникалар тақдим этилди. 66 нафар уйсиз қолган опа-сингилларга маблағлар ажратилди, уйли-жойли бўлишди.

ТАРИХИЙ КҮН

Сайёра ФАЙЗИЕВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг Тошкент вилояти кенгаши раиси:

– Бугунги кунда давлатимиз раҳбари бошчилигида амалга оширилаётган илоҳотлар «Йнсон қадри учун» деан эзу го-яни мужассам этгани билан умумий қадриятга айланди.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва оилалар фаровонлигини таъминлашга қаратилган ҳеч бир мамлакатда йўқ ноёб механизм жорий этилдики, у «Аёллар дафтари» сифатида ўз самарасини кўрсатяпти. Бугун бу тизим опа-сингиларимиз тақдирини ўзгартирувчи, жамиятда барқарорликни таъминловчи катта кучга айланди.

Тошкент вилояти мисолида айтмадиган бўлсак, 410 255 нафар хотин-қизнинг 409 минг нафардан ортигига олтига йўналиш бўйича амалий ёрдамлар кўрсатилган. Натижада минглаб аёллар ҳунарли бўлди, уларнинг бандлиги таъминланди, уй-жойлари таъмирланди, соғлиқлари тикланди, тадбиркор бўлди ва маҳсулотлари жаҳон бозорларига чиқарилмоқда.

Бугунги тарихий кун, десак, муболага бўлмайди. Чунки эзу мақсадларимизни амалга оширишда илк бор ҳамкорликдаги меморандум имзоланди. Ҳужжатда белгилаб берилган вазифалар эса «Аёллар дафтари»ни янги босқичга олиб чиқиш учун муҳим асос бўлади.



<<< 1

Федерация раиси Қўдратила Рафиқов тарихий учрашувда давлатимиз раҳбари «Аёллар дафтари» тизими доирасида касаба уюшмалари билан маҳаллалар уюшмаси ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш бўйича таклиф ишлаб чиқиш топиригини бергани, шу асосда икки ташкилот ўртасида меморандум қабул қилинишини таъкидлади.

– Ҳаммамиз маҳаллада истиқомат қиламиз, «Аёллар дафтари» ҳам маҳалла қўмағида шаклланади. Шу боис амалий ишларда маҳаллалар билан ҳамкорликни кучайтириш, уларни «маҳалла еттичилиги» ёрдамида янада самарали ташкил этиш муҳим, – деди Қўдратила Рафиқов.

– Сўнгги вақтларда Президентимиз муҳим қарорлар қабул қилишда «маҳалла еттичилиги»ни, албатта, инobatга олмақда. Ўз навбатида, аҳолини ўйлантираётган масалаларни ҳал этишда барча раҳбарлик тизимлари қуйи бўғинга тушиб ишлаши лозимлигини ҳам қайд этиб ўтган эди. Касаба уюшмалари ҳам хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлашда маҳаллаларга кириб бормоқда. Шунга қўра, маҳаллалар уюшмаси ўртасида ҳамкорлик меморандуми ишлаб чиқилди. Унинг асосий мақсади – «Аёллар дафтари» тизимининг янги босқичида олиб борилмаётгани очиқ айтилди. Тарғибот ва ташкилотчилик ишларини кучайтириш, касаба уюшмаларининг ҳимоячи сифатидаги нуфузини ошириш зарурлиги уқтирилди.

Шунингдек, тармоқ касаба уюшмалари иштирокида тузилган жамоа келишувларининг мазмуни ва уларнинг бажарилиши масаласига ҳам алоҳида

ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишдан иборатдир.

Меморандумда 9 та модда бўлиб, у муҳим ижтимоий лойиҳани мукамал даражада ташкил этиш механизмининг ўз ичига олади. Мазкур ҳужжат Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан билдирилган юксак ишонччи оқлашда ҳар иккала ташкилот учун муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

– Маҳалла уч минг йиллик тарихга эга, – деди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қахрамон Қуронбоев. – Ҳар бир даврда маҳалла қайсибир кўринишда одамларни бирлаштирадиган, уларнинг эҳтиёжларини қондирадиган ташкилот силфатида шаклланган. Лекин, ҳеч бир муболагасиз айтиш керакки, Янги Ўзбекистонда маҳалла мутлақо ўзгарди. Касаба уюшмалари билан



имзоланадиган меморандум эса мана шу ўзгаришларнинг яна бир тимсоли ўлароқ, аҳоли муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, айниқса, хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг турмуш шароитини яхшилаш йўлидаги яна бир муҳим ҳужжат ва янги қадам ҳисобланади.

Чиндан ҳам, маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш, оилалар мустақамлигини таъминлаш, маҳаллани ишсизликдан, жиноятчиликдан, оилавий ажримлардан ҳоли ҳудудга айлантириш бўйича ўтган давр мобайнида яхши натижаларга эришилган. Албатта, амалий ишларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг қўллаб-қувватлаш ва туманлардаги кенгашлар билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутди. Хусусан, ўтган йили 4 миллионга яқин хонадон, 119 921 та кўпқаватли уйлар таъмирланган. 140 мингдан

ортиқ кўча ободонлаштирилган. Аҳоли томорқасидан самарали фойдаланиш натижасида 5600 та маҳаллада қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш тизими йўлга қўйилиб, 500 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган.

Иштирокчилар жорий йилда ҳам бу борадаги ишлар янада кучайтирилишини қайд этдилар.

Шунингдек, тадбирда касаба уюшмалари ва маҳаллалар уюшмасининг ҳудудий вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ҳам кун тартибидagi масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Шундан сўнг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик бўйича меморандум имзоланди.

Бу ҳужжат хотин-қизларнинг турмушини янада енги қилиш, уларнинг бугунги кундан миннатдор ва эртасидан хотиржам ҳаёт кечиринишларида муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Йиғилиш асносида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қахрамон Қуронбоев Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясининг фахрий профессори унвони билан тақдирланди.

Гулрухбегим ОДАШБОВЕВА
«ISHONCH»

Эъзога УМУРЗОҚОВА олган суратлар

БИР ДАРЁДА ОҚАЁТГАН СУВМИЗ

Фурқат МАҲМУДХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Тошкент шаҳар бошқармаси раиси:

– Касаба уюшмалари ҳар бир меҳнаткашнинг манфаатини ҳимоя қилувчи ташкилот. Уларнинг мақсадлари маҳаллаларники билан уйғунлашиб кетади. Таъбир жоиз бўлса, улар бир дарёда оқаётган сувга ўхшайди. Ҳамкорлик меморандуми эса келгуси ишларимизда бизга қанот бўлади. Асосийси, Президентимиз яратиб бераётган шароитлардан оқилона фойдаланишимиздир.

«Аёллар дафтари»нинг 1-босқичини эсга олсак, худди шу ерда штаб бўларди. Ҳеч ким ҳеч нарсани билмасди, лекин Федерация раиси янги фикрлар ва го-яларга очиқ эди. Ижодий муҳитда тортишардик, таклифларимизни айттардик. Шу асосда ишлаб чиқилган жадвалимиз, бугунгача бизга қўлланма бўлиб келяпти.

Бундан кейин ҳам ана шундай ҳамфикр, ҳамқадам, бир-биримизга тиргак бўлиб ишлашда давом этишимиз мени жуда қувонтирди.

МУРОЖААТЛАР МАҲАЛЛАНИНГ ЎЗИДА ҲАЛ ЭТИЛЯПТИ

Манзура ВАЛИЕВА,
Шайхонтоҳур туманидаги «Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

– Бугун маҳаллага бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган. 2026 йил «Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятнинг саломатлиги йили» деб номланиши ҳам фикримизни тасдиқлайди. Ҳақиқатан ҳам, катта марралар сари ташланган илк қадамлар маҳаллалардан бошланади. Барча маълумотлар, ҳатто «Аёллар дафтари» рўйхатлари ҳам маҳаллада шаклланади.

Аҳоли билан ишлашда, айниқса, маҳалла еттичилигининг ўрни муҳим эканини таъкидлашни истардим. Маҳалла халқнинг, давлатнинг энг яқин бўғини бўлиб, аксарият масалалар айнан шу ерда ҳал этилади. Бугун аҳолидан келиб тушган мурожаатларнинг 89 фоизи маҳалланинг ўзида ҳал этилаётгани қувонарли. Кредитми, субсидиями, шартнома пуллари тўлаш, иш билан таъминлаш дейсизми, ҳаммаси ҳудудларнинг ўзида ҳал этилмоқда. Бунинг учун барча шароитлар мавжуд. Биздан фақат ишлаш талаб этилади, холос.

МУҲИМ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қашқадарё вилояти кенгаши Ижроия қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда касаба уюшмалари тизимида сўнгги йилларда амалга оширилган ишлар чуқур таҳлил қилиниб, мавжуд камчиликлар танқидий кўриб чиқилди, пировардида келгусидаги устувор вазифалар белгиланди.

Аввало, соғлиқни сақлаш ҳамда давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмалари тизимидаги бошланғич ташкилотлар ҳамда вилоят кенгашининг 2023-2025 йиллардаги молиявий фаолияти муҳокама қилинди. Таҳлиллар айрим ташкилотларда молиявий интизомга етарли даражада риоя этилмагани, ҳисоб-китобларда расмийтачиликка йўл қўйилганини ва маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш зарурлигини кўрсатди. Бу борада масъул раҳбарлардан қатъий ҳулоса

чиқариш ва назоратни кучайтириш талаб этилиши таъкидланди.

Кун тартибидagi иккинчи масалада 2025 йилда нодавлат секторда меҳнат қилаётган ходимларни аъзоликка қабул қилиш борасида олиб борилган ишлар ҳақида сўз юритилди. Айрим тармоқ касаба уюшмаларида бу йўналишда ижобий натижаларга эришилгани қайд этилган бўлса-да, аксарият ҳудудларда иш қониқарли даражада олиб борилмаётгани очиқ айтилди. Тарғибот ва ташкилотчилик ишларини кучайтириш, касаба уюшмаларининг ҳимоячи сифатидаги нуфузини ошириш зарурлиги уқтирилди.

Шунингдек, тармоқ касаба уюшмалари иштирокида тузилган жамоа келишувларининг мазмуни ва уларнинг бажарилиши масаласига ҳам алоҳида

Анжуман

Муаммолар маҳаллада ечим топяптими? Маҳалла раислари ўзларига билдирилган ишонччи қай даражада оқлашяпти? Улар халққа қанчалик яқин? Бошқаларни билмадиму, лекин «Богимайдон» МФЙ раиси Тошпўлат Раҳматиллаев маҳаллада ҳар қандай муаммони дарров мутасаддиларга етказди.

ШУНЧАКИ РАСМИЯТЧИЛИК УЧУН ЭМАС

Масалан, канализация қувурлари тошиб, атроф-муҳитга қўланса ҳид анқиса, бунга ким жавобгар? Ёки алмисокдан қолган симёғочлар ҳадеганда замонавийсига алмаштирилмаса, «об-ҳаво шарофати» билан газ босими пасайиб кетса-чи?..

Ҳудуддаги бу каби муаммолар ечим топмаса, маҳалла раиси айбдор! Мана шу айбдорлик Тошпўлат Раҳматуллаевга на кечаси, на кундузи тинчлик беради. Қачон қарасангиз, маҳалла ташвиши билан қуюниб юрган бўлади. Аҳоли хотиржамлиги учун ўзини ўтга, чўққа уради.

Яқинда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши маҳаллада давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномаси мазмун-моҳиятига бағишланган йиғилиш ўтказди. Бу тадбирда ҳам Тошпўлат Раҳматиллаевнинг жонбозлиги яққол намоён бўлди. Мажлис шунчаки расмийтачилик учун ўтказилмади, аксинча, халқчил мулоқотга айланди.

– Дунёда муқобили йўқ маҳалла тизими дав-

лат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилангани катта имконият, – дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Ифтихор Раҳимов. – Мурожаатномада маҳаллалар инфра-тузилмасини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди. Савй-ҳаракатлар натижасида бугун чекка-чекка ҳудудларга ҳам Янги Ўзбекистон нафаси кириб борди.

Учрашувда жамоат ташкилотининг амалий ёрдами билан қилинган ишларга ҳам алоҳида урғу берилди. Масалан, «Аёллар дафтари» орқали маҳалладаги кам таъминланган хотин-қизларнинг турмуш шароитини яхшилашди. Нурунийлар юртимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатга юборилди. Болажонлар ёзги оромгоҳларда дам олиб қайтишди.

Тадбир асноси яна 15 нафар отахон ва онахонга Зоминга икки кунлик саёҳат йўлланмаси топширилди.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»



Оила табиатнинг шоҳ асарларидан биридир.
Жорж Сантаяна



Ўзбекистонда никоҳлар сони, кетма-кет тўртинчи йилдири, камаймоқда. Жумладан, 2025 йилда 267 мингдан ортиқ никоҳ қайд этилган. Бу 2021 йилдагига нисбатан анча кам. 2021 йилда 305,2 мингта, 2022 йилда 296,7 мингта, 2023 йилда 283,8 мингта, 2024 йилда эса 271,8 мингта никоҳ рўйхатга олинган...

Сўнгги маълумотларга кўра, Ўзбекистон аҳолиси 38,29 млн. кишидан ҳам ошиб кетди. Мамлакат нуфуси 40 млн. кишидан ошишига ҳеч қанча вақт қолмади. Аммо биз аҳоли сони кўплиги билан мақтаниб турганимизда, аста-секин «кўз тега» бошлади. Никоҳлар камайди, туғилиш ҳам пастлади, энг ёмони, ажрашишлар кўпаймоқда. Бу оила институтига жиддий қақриқ, албатта. Қўйда никоҳлар камайиши сабабини оддий мисолларда кўриб чиқамиз.

2021 йилда аҳоли сони 34,5 млн. киши бўлган. Бугун эса 38,3 млн. кишига етдик. Бу орада нуфусимиз 7,8 фоизга ошгани ҳолда, никоҳлар сони тахминан 10 фоизга камайган. Демак, никоҳлар 17-18 фоизга пасайган. Бунда фақат субъектив сабаблар ҳақида фикр билдириш мумкин. Чунки янги талқиқотлар билан танишмадик, статистик маълумотлар қуруқ рақамлардан иборат, масъул ташкилотлар эса ҳозирча хавотир билдиришмади.

Ҳўш, никоҳлар камайишига нималар сабаб бўлмоқда?

ЁШ ФАКТОРИ

Энг аввало, оила қуришда ёш ошиб бораётганини ва аҳоли таркибида аёллар сони камаётганини таъкидлаб ўттиш керак. Турмуш ёши (айниқса, йигитлар орасида) ошиб бормоқда. Ҳо-

зир улар 30-32 ёшда уйланиши, қизлар 25-27 ёшда эрга тегиши оддий ҳолга айланди. Аёллар ва эркеклар сони ўртасидаги мувозанатнинг аста-секин бузилиб бориши, йигитларга ўзига муносиб жуфт топиш ва оила қуриш эҳтимолини пасайтириб юбормоқда. Бундай олиб қараганда, ҳозирча демографик бўшлиқ унчалик катта эмас. Аёллар сони – 18 979,0 минг киши (49,6%), эркеклар сони – 19 257,7 минг киши (50,4%)ни ташкил этади. Ҳозирнинг ўзида салкам 300 минг кишилик бўшлиқ вужудга келган. Агар бу тенденция давом этса, яқин келажақда эркеклар сони аёллардан ярим миллион кишига кўпайиши ва бу турмуш қуришда жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Бунинг мисолини Хитой ёки Ҳиндистонда кўрсак бўлади: бу давлатларда эркеклар аёллардан бир неча ўн миллион кишига кўпроқ.

Яна бир гап: бугун йигитлар 30 га кириб уйланса, биров ажабланмай қўйди. Жамият бу нарсани нормал қабул қила бошлади. Гарчи қизларнинг эрга турмуш қуриши ҳақида кўп гапирилса ҳам, статистикада кўпчилик аёллар 30 ёшгача турмушга чиқётгани маълум бўлган.

Қайд этилган никоҳларда аёлларнинг ёш бўйича гуруҳларга тақсимланиши қуйидагича: 20 ёшгача – 65 078 нафар (36,8%), 20-30 ёш – 94 765 нафар (53,5%), 31-40 ёш – 13 137 нафар (7,4%), 41 ёш ва ундан катталар – 4 037 нафар (2,3%).

Кўриниб турибдики, аёлларнинг 60 фоиздан ошиғи 20 ёшдан ўтиб оила қурмоқда, ҳатто 10 фоизи 30 ёшдан ошиб катта ҳаётга қадам қўймоқда.

ИҚТИСОДИЙ ҲАДИК

Субъектив сабаблардан яна бири бу – жамиятдаги ўзгаришлар, иқтисодий қийинчиликлар ва қўрқув. Яъни, уйланиш эндиликда шунчаки «уч сўм пул ва бир калла қанд» билан ҳал бўладиган масала эмас. Кўпчилик йигитлар ўзи ҳаракат қилиб, пул топиб уйланмоқда. Аввал-

АСАБЛАР УРУШИ ДАВОМ ЭТАДИ

ёхуд Яқин Шарқдаги мувозанат хавф остида

АҚШ Эронга босимни кучайтиряпти. Тўғри, ҳозирча ҳеч ким «Уруш бошланадими ёки йўқ?» деган саволга аниқ жавоб бера олмайди. Аммо у сиёсий қарорларда, бозорлардаги вазиятда, турли давлат раҳбарларининг чиқишларида аллақачон бошланиб кетган. Эрон соҳиллари яқинида АҚШ авиаташувчи гуруҳининг пайдо бўлиши, Вашингтоннинг кескин баёнотлари, минтақа давлатларининг фаол дипломатик ҳаракатлари вазиятни оддий инкироз доирасидан чиқариб ташлади. Дунё «Эронга зарба бериладими», деган саволдан кўра, «Зарба берилса, минтақадаги вазият қай томонга ўзгаради», деган савол муҳимроқ туюлаётган паллага кирди.

Шубҳасиз, АҚШ ҳарбий жиҳатдан зарба беришга қодир. Бунга ҳеч ким инкор йўл олмайди. Аммо муаммо ҳарбий қудратда эмас – мақсаднинг ўзида. Вашингтон узоқ давом этадиган урушни, минтақада беқарорлик юзага келишини, нефть йўллари ёпилишини, жаҳон иқтисодиёти издан чиқишини истамайди. Бироқ у Эроннинг амалдаги режимига муносабатини, ўз позициясини дунёга эълон қилиб бўлган. Демак, ўз оёр-эйтибори, иттифоқчилари олдидаги мажбуриятлари, Исроил хавфсизлиги масаласида ортга чекинолмайди. Ана шу уч омил АҚШни ҳаракатга ундаяпти. Бироқ бу ҳаракатлар қандай натижа беради? АҚШ нимага эришади-ю, қандай таҳдидлар қаршида қолади? Ҳозир ана шу ҳисоб-китоблар кетяпти парда ортида.

Дональд Трамп «АҚШ Ҳарбий-денгиз кучларининг катта ва қудратли кемалари Эрон томон йўл олмоқда. Уларни қўллагасак, жуда яхши иш бўлар эди», дея бир вақтнинг ўзида «адолатли ва тенг ҳуқуқли келишув» зарурлигини таъкидлади. Техронга ядровий қурул яратиш фикридан воз кечиб, намойишчиларни ўлдиришга чек қўйиш талаби қўйилган. Бу – АҚШ президентида хос босим сиёсати. У таҳдид билан музокарани бир вақтнинг ўзида юритишни хуш қўради. Бироқ Эрон сиёсий тафаккурида таҳдид билан ёнма-ён турган ҳар қандай тақлиф ҳеч қачон тенг шартли музокара сифатида қабул

қилинмайди – мустақилликка таҳдид, очиқ-ойдин босим дея баҳоланади. Шу боис томонлар бир-бирини эшитмаепти: бири қучга таяниб гапирса, иккинчиси кадр-қимматини сақлашга уриняпти.

Нима бўлганда ҳам, ҳозирги вазият Эрон атрофидаги аввалги инкирозлардан кескин фарқ қилади. 2023 йил октябрдан кейин содир бўлган воқеалар – Газодаги уруш, «Кизбуллох»нинг заифлашуви, Сурияда Башар Асад ҳокимиятининг кулаши ва 2025 йилда Эрон-Исроил ўртасида бўлиб ўтган 12 кунлик тўқнашув Яқин Шарқдаги хавфсизлик тизимини мувозанатдан чиқарди. Илгариги қонун-қондалар ишламай қолди. Исроил таҳдидни кутиб ўтиришдан воз кечди. АҚШ иқтисодий босимдан ҳарбий огоҳлантириш босқичига ўтди. Эрон эса қатъий мудофаа йўлини танлади. Бу – янги воқелик.

АҚШ минтақада авиаташувчилар, замонавий ҳарбий кемалар, стратегик авиация, разведка дронларини жамлаган, иттифоқчиларнинг ракеталарга қарши мудофасини ҳам кучайтиряпти. Бунга ички аудиторияга мўлжалланган ҳаракат ҳам, тўлиқ микёсли урушга тайёргарлик ҳам деб бўлмайди. Бу Эроннинг ядровий инфратузилмалари, ҳарбий объектлари, бошқарув нуқталарига чекланган, аммо оғриқли зарбалар эҳтимолидан дарак беради. Вашингтон Эронга қарши кенг қўламли уруш бир давлат чегарасида қолиб кетмаслигини яхши англаб турибди. У бутун минтақани ўз домига тортиб кетадиган ҳалокатли жараёнга айланиши мумкин.

Мана шу ерда АҚШнинг узоқни қўзлаётган стратегияси яққол кўзга ташланади. Босим Эронни хавотирга соладиган даражада кучли, аммо вазият назоратдан чиқиб кетмайдиган даражада вазим бўлиши керак. Бу ўта нозик мувозанатни сақлаш эса осон эмас.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, январь ойи бошларида ташқи босимни Эрон ичигадики норозилик қайфияти, иқтисодий қийинчиликлар ва умумий беқарорлик билан уйғунлаштириш мумкин эди. Норозилик намойишларида минглаб одамлар қурбон бўлди, тизимнинг заиф жойлари кўриниб қолди. Аммо бу давр ўтиб кетди. Хавфсизлик тизими тўлиқ ишга тушди, элиталар ташқи таҳдид олдида жипслашди. Энди ташқи зарба ички бўлишини эмас, жамиятнинг қайта жипслашувини кучайтиради, холос.

Бу ҳолат жаҳоннинг ички мантигини бутунлай ўзгартиради. Охириги йиллардаги оғриқли тажрибадан сўнг ҳар қандай ташқи ҳужум жа-

гидек, битта ҳовлида 3-4 та оила бирга яшаши, бир хонада тўрт-беш киши истиқомат қилиши ўтмишга айланган. Турмуш қуриш учун алоҳида уй ёки хонани зарур жиҳозлар билан тўлдириш, шароитлар яратиш, тўй базми каби ҳаражатлар йигитларнинг йиллаб умрини ўғирламоқда. Бир сўз билан айтганда, никоҳлар камайишига иқтисодий босимлар ҳам сабаб бўлмоқда. Бунинг энг чўққига чиққан шаклини Япония, Корея ва бошқа ривожланган давлатлар мисолида кўриш мумкин. Уларда оила учун ижара тўлови, бола катта қилиш ҳаражатлари ва бошқалар жуда қиммат. Ҳали Ўзбекистон бу даражага етмаган бўлса ҳам, шунга ўхшаш муаммолар Тошкент ва бошқа йirik шаҳарларда аста-секин бўй қўсата бошлади. Ҳазил тариқасида бир мисол: мақола ёзилаётган пайтда лаҳм гўшт 170 минг сўм бўлибди...

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК ИНЪИКОСИ

Давлатимиз томонидан аёлларга жуда катта эътибор берилаётгани, ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинаётгани катта ютуқ, албатта. Аммо айрим йигитлар бу ислохотлар фониди уйланишга чўчиб қолмоқда. Чунки эндиликда аёл ҳар қандай гапга индамай кўниб кетадиган шахс эмас. Бундан буён эркек хотинининг ҳуқуқларини таъминлаб қўйиши, мол-мулкни у билан бўлишиши, кези келганда, унга босим ўтказишдан тийилиши керак. Қисқаси, оила масъулияти ошиб бормоқда. Оила бузилганда аёл ҳуқуқлари таъминланмоқда, айрим аёллар ажримни афзал билмоқда. Алимент ундириш бўйича қучли механизмлар ишлаб чиқилди. Бир сўз билан айтганда, гендер тенглик принципи ишламоқда. Бу эса йигитларни ўйлаб қадам бошишга мажбурлаяпти, айримлар оила юкини елкага ортишдан чўчиб қолди.

2000 ЙИЛЛАР ТАЪСИРИ

Мавзунинг ўрганаётганда қуйидаги рақамларга қўзимиз тушди: 2000 йиллар бошида Ўзбекистонда туғилишлар анчагина пасайган. Мисол учун, 1991 йилда – 723,4 минг, 1995 йилда – 678 минг, 2000 йилда – 527,6 минг, 2005 йилда – 533,5 минг, 2010 йилда – 634,8 минг, 2015 йилда – 734,1 минг, 2020 йилда – 841,8 минг, 2024 йилда эса 926,4 минг нафар чақалоқ туғилган.

Аҳамият берган бўлсангиз, аср бошида туғилиш энг қуйи даражага тушган. Ҳозир 24-28 ёшли фуқароларимиз асосий оила қурувчилар саналади. Оила қурадиган ёшларнинг камлиги никоҳлар сонига ҳам жиддий таъсир қилмоқда.

Мулоҳаза

«УЙЛАНМАСАМ ҲАМ БЎЛАВЕРАДИ»

Оила қуришга таъсир қилаётган омиллар қаторига ҳаёт завқини чўзиш, ота-онанинг сўзига кирмаслик ва оммавий маданият таъсирини ҳам қўйиш мумкин. Бугун миллионлаб фуқароларимиз (асосан эркеклар) хорижда ишламоқда ва ўқиммоқда. Улар йиллар давомида Ўзбекистонга қайтмаепти ва уйланиш масаласи ҳам очиқ қолмоқда.

Ҳозир интернет ва ижтимоий тармоқлар

«Қўмағи билан» реал чегаралар йўқолиб, бир жамият маданиятини иккинчисига экспорт қилиш осонлашди. Афсуски, бизнинг ёшлар орасида ҳам хориждаги каби фуқаровий никоҳ, тўй қилмасдан яшаб қўриш (оз муддатда бўлса ҳам) ва бошқа «жиҳат»лар тарқалмоқда. Юқорида айтганимиздек, бугун ўттизга кириб оила қуриш оддий жараёнга айланди.

АЖРИМЛАР...

Афсуски, никоҳлар камайиши фониди оилавий ажримлар кўпайган. Масалан, 2025 йилда фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан ажрашиш билан боғлиқ 70535 та иш кўрилиб, шундан 37544 таси қаноатлантирилди. Бу турдаги ишлар сони 2024 йилга нисбатан 6692 тага, қаноатлантирилган даъво талаблари эса, 5327 тага кўпайди. Яхлит олиб қараганда, қурилаётган оилаларнинг ҳар бештасидан бири ажрим ёқасига келиб қолмоқда.

Хулоса ўрнида яна бир фактни келтириб ўтмасак бўлмайди. Демография фанига кўра, аҳоли нуфуси турли босқичларга бўлинади. Бунда дастлаб аҳоли шиддат билан кўпаяди, сўнгра секинлашади, охири-оқибатда ҳатто демографик инкироз ҳам вужудга келади. Масалан, Ғарб давлатлари бу жараёнда ўтмоқда. Европа ва Шимолий Америка аҳолиси 1940-60 йилларда кескин ўсган. Йигирманчи аср охирига келиб эса, аксинча ҳолат кузатилди.

Олимларнинг фикрига кўра, вақт ўтиши билан ҳозир туғилиш юқори бўлган Осиё ва Африкада ҳам жараён секинлашиши мумкин. Яъни бизда кузатилаётган туғилиш ва оила қуришнинг бироз камайиши мана шу демографик босқичларнинг бир қисми бўлиши ҳам мумкин.

Аброр ЗОҲИДОВ
«ISHONCH»

Касаба уюшмаси аралашгач...

«Фарғонашаҳаргаз» газ таъминоти бўлимида ишлаб келган Фуломжон Мубораков адолат устаб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгашига мурожаат қилди.

МУБОРАКОВ ИШГА ТИКЛАНДИ

Арзда қайд этилишича, у кутилмаганда «Худудгаз Фарғона» газ таъминоти филиали раҳбариятининг буйруғи билан Меҳнат кодексининг 161-моддаси 2-қисми 5-бандига асосан, ишдан бўшатирилган.

Ўрганишлар мобайнида иш берувчи ҳодим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш чоғида камчилик ва хатоларга йўл қўйгани ойдинлашди. Шу боис дастлаб иш берувчи билан ҳодимни ишга тиклаш бўйича музокаралар олиб бордик. Лекин раҳбар «Қарор қатъий, шикоятга ўрин йўқ» қабилида иш тутди. Шундан сўнг тегишли тартибда судга даъво-ариза киритдик. Суд шикоятимизни қаноатлантириб, буйруқни гайриқонуний деб топди.

Шу тариқа Ғ.Мубораков ўз ишига тикланди ҳамда унинг фойдасига мажбурий бекор юрган кунлари учун 23 миллион сўмдан ортиқ иш ҳақи ва маънавий зарар пуллари ундирилиши белгиланди.

Мансуржон УСМОНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши бош юрисконсулти



мувозанатларни издан чиқариши мумкин. Туркиянинг воситачиликка интилиши ҳам шу воқеликдан келиб чиқади. Анқара учун Эрондаги беқарорлик қурд муаммоси, қочқинлар оқими ва ички хавфсизликка бевосита таҳдиддир. Туркия Эрон режимини ҳимоя қилаётгани йўқ, аммо унинг қулашидан ҳам манфаатдор эмас.

Айни пайтда АҚШ ва Эрон ўзаро муносабатлардаги кескинликни пасайтиришга қаратилган дипломатик мулоқотни қайта бошлаш имкониятини муҳокама қилмоқда. Манбаларга кўра, томонлар бир-бирига музокараларга тайёр экани ҳақида маълум қилинган. Шу мақсадда Туркия, Миср ва Катар иштирокчида воситачилик саъй-ҳаракатлари фаоллашган. Яқин кунларда Анкарада учрашув ўтказиш режалаштирилмоқда. The Times of Israel нашрига кўра, музокарада АҚШ томонидан Оқ уйнинг махсус элчиси Стив Уиткофф, Эрон томонидан эса юқори лавозимли расмийлар иштирок этиши мумкин.

Вашингтон дипломатия жараёнга очиқ эканини, музокаралар ҳақидаги баёнотлар эҳтимолий ҳарбий ҳаракатлар учун никоб сифатида қўлланилмаётганини таъкидламоқда. Қўшимча ҳарбий ҳаракатлар эса вазиятни назоратда ушлаб туришга қаратилган чора сифатида баҳоланаяпти.

Исроилда ҳам юқори даражада жадал маслаҳатлашувлар бўлиб ўтмоқда. Бош вазир Биньямин Нетаньяху АҚШда музокаралар ўтказиб қайтган ЦАХАЛ Бош штаби раҳбари Эяль Замир билан учрашди. Учрашувда мудофаа вазирни Исраэль Кац ва «Моссад» раҳбари Давид Барнеа ҳам иштирок этди. Исроил ОАВ маълумотларига кўра, иштирокчилар орасида АҚШнинг Эронга нисбатан ҳарбий зарба бериш эҳтимоли ошгани ҳақида умумий фикр шаклланган. Бироқ эҳтимолий ҳужум қўлами ва шакли ҳали ҳам ноаниқ.

Эрон эса АҚШ билан ядровий дастур бўйича келишувга эришиш имконини бутунлай истисно қилмаётганини билдирмоқда. Эрон ташқи ишлар вазирни Аббос Ароқчи Америка ОАВга берган интервьюсида Техронда жиддий ишонч инкирози мавжуд бўлишига қарамай,

дипломатия келишув истисно қилинмаётганини таъкидлади.

Шу билан бирга, Ароқчи Эрон музокаралар кун тартибини қатъий белгилаб олиш тарафдори эканини айтди. Унинг сўзларига кўра, Техрон ракеталар дастурини чеклаш ёки минтақадаги иттифоқчи қуроли гуруҳларни қўлаб-қувватлаш масалаларини муҳокама қилишга тайёр эмас. Эрон музокараларда фақат ядровий дастур атрофидаги масалалар кўриб чиқишини истаяпти.

Ҳозир Россиянинг воситачилик роли чекланган. Шубҳасиз, Москва дипломатик алоқаларни сақлаб қолишга, кескинликни пасайтиришга ҳаракат қилади. Аммо ҳозирги шароитда у Вашингтоннинг қарорларига таъсир ўтказиш имконига эга эмас. Россия Эрон учун урушга ҳам киришмайди. Унинг вазифаси зарарни минималлаштириш, алоқа каналларини сақлаб қолиш ва АҚШ билан тўғридан-тўғри тўқнашувга йўл қўймасликдан иборат.

Натижада галати вазият юзага келган. АҚШ ҳарбий жиҳатдан усту, лекин аниқ йўл наратаси йўқ. Эрон заифлашган, аммо синмаган. Минтақа урушини истамайди, аммо унинг соясида яшашига мажбур. Бу ҳолат оубр билан ақл ўртасидаги тузоққа ўхшайди: ортга чекиниш заифлик сифатида қабул қилинади, олдинга қадам эса номаълум оқибатларга олиб келади.

Агар зарба берилса, у чекланган бўлиши мумкин. Агар берилмаса, босим сақланиб қолади. Ҳар икки ҳолатда ҳам бир ҳақиқат ўзгармайди: Яқин Шарқда «осон бошқариладиган инкирозлар» даври тугади. Энди ҳар бир қарорнинг баҳоси бор. Уни нафақат Эрон ёки АҚШ, балки бутун минтақа тўлашга мажбур бўлади. Чунки XXI асрдаги урушлар асаблар майдонига ҳам қўчган. Бу ўйинда энг қиммат ресурс – хато қилмаслик имконияти. У эса кун сайин, соат сайин камайиб бораёпти.

Жаҳонгир НАҲАHOV
«ISHONCH»

Касаба уюшмалари тизимида фаолият юритувчи меҳнат ҳуқуқ ва меҳнат техник инспекторларининг билим ва кўникмаларини мунтазам равишда ошириб бориш бугунги куннинг муҳим талабларидан бири. Чунки меҳнат муносабатлари соҳаси доимий равишда такомиллашмоқда. Қонунчиликка зарур нормалар киритилмоқда, иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатларда янги амалиётлар шаклланоқда. Бундай шароитда инспекторларнинг замонавий билимларга эга бўлиши, ҳуқуқий янгиликларни чуқур англаши ва амалиётда тўғри қўллаши катта аҳамият касб этади.

БИЛИМГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ



Жасур СОЛИКОВ олаш сурапти

Шу мақсадда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекцияси ва Малака ошириш ўқув маркази ҳамкорлигида ташкил этилган бир ҳафталик ўқув инспекторлар учун нафақат назарий билимларини мустаҳкамлаш, балки амалий тажрибаларини бойитиш имконини ҳам берди. Дарсларга жалб этилган тажрибали ва малакали ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар ва бошқа мутахассислар қонунчиликдаги ўзгаришлар, амалиётда учраётган муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари борасидаги билим ва тажрибаларини тингловчилар билан ўртоқлашдилар.

Жумладан, Федерациянинг Молия бўлими бош мутахассиси А.Бердиров ходимларга иш ҳақлари, таътил пуллари, хизмат сафари ҳамда ишдан бўлаш компенсация тўловларини тўлаш тартиблари ҳақида тушунтирар экан, янги Меҳнат кодекси

амалиётга жорий этилган, юзага келадиган айрим чалкашликларга тўхталиб ўтди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Илмий инновацион тадқиқотларни мувофиқлаштириш ва илмий ходимларни тайёрлаш маркази прокурори Ҳамидулло Қўчқоров меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишда давлат ва жамоатчилик назоратининг аҳамияти, касаба уюшмалари иштирокини муҳофиз қилди. Шунингдек, талабаларнинг ва тадқиқотчиларнинг педагогик фаолият билан шуғулланиши масаласидаги қонунчиликдаги бандларнинг бахсли талқинларини тушунтирди. Келгусида уларнинг тугал ечими кўрсатилиши зарурлигини таъкидлади.

– Бир ҳафталик ўқув жуда фойдали, бахсли ва қизиқарли бўлди, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори

Шириноҳ Умаралиева. – Фаолиятимизда турли ҳолатларга дуч келамиз. Педагог ходимлар фаолиятига боғлиқ чалкашликлардан бирини иш жараёнида маърузачиларимиз Ҳамидулло Қўчқоров ва Бону Раҳимберганова яхши таҳлил қилиб беришди.

Ақсарият педагоглар 56 календарь кунли таътилга чиқишади. Меҳнат кодексининг 222-моддасида эса «Меҳнат таътилининг умумий давомийлигини ҳисоблаб чиқаришда қўшимча таътилар ҳар йилги асосий энг кам таътил ёки ҳар йилги асосий узайтирилган таътилга қўшиб жамланади. Барча ҳолларда қонунчилик билан белгиланган таътиллари жамлашда уларнинг давомийлиги бир иш йили учун эллик олти календарь кундан ошиб кетиши мумкин эмас», дейилган. Демак, бошқа соҳа вакиллари ёки таълим соҳасида ишлаётган техник ходимларнинг жами таътили ана шу кундан кам бўл-

гани боис уларга иш стажига учун қўшимча таътил қўшилади. Аммо ҳар йилги 56 кун меҳнат таътилига чиқадиган ходимларга иш стажига учун қўшимча таътилар қўшилмайди. Амалиётда айрим педагоглар шунини талаб қилади, юқори турувчи ташкилотлар эса мумкин эмаслигини айтишади. Бугун ана шу масалани барчамиз яхши тушуниб олдик.

Олинган билим ва амалий тавсиялар инспекторларга ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат қонунчилигига риоя этилишини таъминлаш ҳамда иш жойларида муносиб шарт-шароитлар шакллантиришда катта ёрдам бериши шубҳасиз. Зотан, ирланд ёзувчиси Бернард Шоу таъкидлаганидек, «Билимга элтувчи ягона йўл, бу фаолиятдир».

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»

Ташаккур

масъул ташкилотчиси Ергалий Сейтназаров томонидан топширилиши эса юксак ишонч ва эътироф рамзига айланди.

Ёшларни қўллаб-қувватлашни ўз фаолиятининг устувор йўналиши сифатида белгилаб олган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига чуқур миннатдорлик билдираман. Бундай ғамхўрлик ва эътибор натижасида билим, фаол ва ватанпарвар авлод камол топишига ишончим комил.

Паризод ЖУМАНОВА,
Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Нукус филиали талабаси

Кўрик-танлов

ҒОЛИБЛАР УЧУН САЁҲАТГА ЙЎЛЛАМ

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги илк марта мамлакатимиз бўйлаб «Мен ҳам шу юртининг бир бўлагиман» шиори остида «Сен истеъодлисан» республика кўрик-танловини ўтказди.

Бундан қўзланган асосий мақсад алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган ўқувчи-

лар иқтидорини юзага чиқариш, уларни санъат ва ижодга кенгрок жалб этиш, шунингдек, жамиятда фаоллигини оширишдан иборатдир.

Тадбир Фарғона вилоятида ҳам ўзига хос тарзда ташкил қилинди. Қўллаб-қувватловлар кашф этилди. Танлов давомида ўқувчилар тасвирий санъат ҳамда эстрада-вокал йўналишларида ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»

Коммуна Исмоилова ижросида
Мароқли дам олинг, «БОЛАМГА ЎХШАЙДИ ОВОЗИНГ» азиз газетхон!
қўшиғи



Холиқ ўзи етирган азиз меҳмоним,
ўғлима ўхшайди овозинг сани,
Тез хабарин бергинай чиқмасдан жоним,
боламега ўхшайди овозинг санинг...

«Ошма Ғариб ва Шохсанам» дostonидан



Мутойиба

ШОШМАНГЛАР!

Қишлоғимиз дарё яқинида эди. Сал нарида сув омбори бўларди. Бағъзан баҳорда гўё осмон тешилиб, челақлаб ёмғир қуярди.

Қишлоғимизда Сора буви деган кампир бор эди. Кимнинг сизги туққани-ю, кимнинг томи шамолда қандай учганидан хабардор, ҳатто қўшни қишлоқдаги қайси хонадонга, кимга ёрдам, кимга даққи кераклигизча беш қўлдай биларди. Шу сабабли, уни «Ахборот маркази» деб аташар эди. Кампир бир лаҳза тинч ўтирмайди. Гоҳ уйда одам йиғилган, гоҳ бирон қўшнинг уйда одам йиққан.

Хуллас, бир кун қишлоқда тепаликдаги омборнинг бир қисми бузилиб, қишлоқни сув босармиш, деган гап тарқалди. Бу совуқ хабар биринчи бўлиб Сора бувудан чиққан, одамлар дарров ишонган-қўйган.

Атрофда бўлди тўс-тўполон... Ойим бизга: – Ҳаммаларинг биттадан энг керакли кишимларинг, нарсаларингни олинглар. Тугунга тугиб, тайёр бўлиб туришлар, – деди.

Қўшни аёллар бу гапни тасдиқлашди. Мен беамалик ёки эринчоқлик биланми: – Шошманглар! – дедим. – Сув бостириб келадиган бўлса, тугунни олиш кимнинг эсига тушади? Фойдаси йўқ.

Ойимнинг жасли чиқди: – Кўп гапирма, тез-тез бўл. Ҳар нарсга тайёр турган яхши.

Мен барибир ҳеч қандай тугун-туғунга хафсала қилмадим.

Орадан бир кун ўтди, уч кун, беш кун... Хайриятки, ҳеч нарса бўлмади. Шундан буён кимдир бирор ваҳима кўтарса, мен доим кўрсаткич бармоғимни кўтараман: – Шошманглар!

Комила БОЙМУРОДОВА
«ISHONCH»

MUASSIS:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2020-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shogqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-99) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-98-04
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir: Gulomjon MIRAHMEDOV

Musahhihlar: Dilorom XUDOYBERGANOVA, Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi: Hasan ABDUJALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 22:50
Topshirildi – 23:20

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 306 ta

Shundan: 6 701 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –

Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda; 19 426 nusxasi

«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –

Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 9 179 nusxasi

«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –

Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma: G-211

1 2 3 4 5 6